

Тошкент ш.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Бир томондан “Банк” деб юритилувчи «Агробанк» АТБ номидан 20\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да берилган \_\_\_\_\_-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари \_\_\_\_\_ ва иккинчи томонидан “Депозитга қўювчи” деб юритилувчи \_\_\_\_\_ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ раҳбари \_\_\_\_\_, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “BUSINESS PLUS” депозит турига қўювчи томонидан банкка бўш пул маблағларини жойлаштириши ва томонларнинг депозит шартномасида кўрсатилган шартларни бажариши ушбу шартнома предмети ҳисобланади. Депозитга қўювчи \_\_\_\_\_,00 ( \_\_\_\_\_ ) сўм миқдоридagi маблағларни Банкнинг депозитига қуйидаги шартлар асосида жойлаштиради:

1.1.1. депозитни жойлаштириш санаси: \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил;

1.1.2. депозитни қайтариш санаси: \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил;

1.1.3. йиллик фоиз ставкаси : 18 % гача йиллик

1.1.4. фоиз тўловлари – ҳар ойнинг охириги банк иш кунида ва депозитни сўндириш санасида.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### “BUSINESS PLUS” депозит турига қўювчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланиб, рўйхатга олинган кундан бошлаб беш банк иш куни давомида шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган миқдордаги маблағни Банкнинг МФО: 01140 № \_\_\_\_\_ –сонли ҳисоб рақамига ушбу шартнома шартлари асосида мuddатли “BUSINESS PLUS” депозитга жойлаштириш учун ўтказиб бериш.

2.2. Депозитга қўювчи шартнома мuddати тугаганидан сўнг ушбу шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган миқдордаги маблағ ва унга ҳисобланган фоизларнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли.

2.3. Депозитга қўювчи “BUSINESS PLUS” депозит турини мuddатидан олдин талаб қилиш ёки депозит мuddатини узайтириш ҳуқуқига эга. Бунда, банкни бир ой олдин ёзма шаклда огоҳлантириши керак.

2.4. Банк ўрнатилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинганда ёки депозит бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганда Депозитга қўювчи маблағларни мuddатидан олдин сўзсиз ундириб олиш ҳуқуқига эга.

2.5. Депозитнинг мuddатини узайтириш томонларнинг розилиги билан ушбу шартномага қўшимча келишув битимини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

### Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.6. Банк “BUSINESS PLUS” депозитига қўювчи томонидан кўчирилган маблағга депозит ҳисоб рақами очиши ҳамда келиб тушган маблағни ўз вақтида мазкур ҳисоб рақамга кирим қилиши шарт. Шу билан бирга жалб қилинган маблағлар Банкнинг депозит ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бошлаб уларни амалда қайтариш санасигача бўлган давр учун йиллик 365 кун ҳисобидан келиб чиқиб кунлик фоиз ҳисоблаши лозим.

2.7. Депозитнинг мuddати тугаганидан сўнг Банк ушбу шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган миқдордаги маблағларни ва ҳисобланган фоизларни Депозитга қўювчининг МФО: \_\_\_\_\_, ш/х.р: \_\_\_\_\_, СТИР: \_\_\_\_\_, № \_\_\_\_\_ –сонли ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали қайтариб бериши лозим.

2.8. Ушбу шартноманинг 1.1.2. бандида кўрсатилган мuddатдан олдин Депозитга қўювчидан хабарнома олинганда, Банк шартноманинг 2.3-бандида кўрсатилган шартлар асосида ёзма шаклда огоҳлантириш олган кундан бошлаб 30 кун давомида Депозит қўювчига маблағларни қайтаради.

2.9. Банк икки томоннинг розилиги билан депозитни мuddатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариш ҳуқуқига эга. Бунда, Депозитга қўювчини камида 30 кун олдин хабардор қилиши лозим.

2.10. Банк депозитга қўйилган маблағлардан ўз функцияларидан келиб чиқадиган мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланиши шарт.

2.11. Банк жалб қилинган мuddатли депозитни ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда қайтариши шарт. Бунда, Депозитга қўювчининг розилиги билан унинг бир қисми мuddатидан олдин қайтарилиши мумкин.

2.12. Банк депозит тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаши шарт. Депозитга қўювчининг розилигисиз депозитга оид маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун

хужжатларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

### 3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганда ёки шартнома шартларини бузишганда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

3.2. Ушбу шартнома бўйича мунозара ва тортишувлар юзага келганда томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар. Агар томонлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент шаҳар Иқтисодий судида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

3.2. Ушбу шартноманинг амал қилишини бир томонлама тўхтатишга йўл қўйилмайди.

### 4. Махсус шартлар

4.1. Депозитга қўювчи депозитни муддатидан олдин қайтиришни ёзма шаклда огоҳлантириш хабар берилганда ушбу шартноманинг 1.1.3. бандида кўрсатилган йиллик фоиз ставка қуйидагича ўзгаради:

– Дастлабки 3 ойгача -5%;

– 3 ойдан - 6 ойгача - 13%;

– 6 ойдан - 12 ойгача - 15%;

13 ой ва ундан юқори муддат учун 16% этиб белгиланади.

### 5. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажаришдан озод этилишлари мумкин, агарда мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик энгиб бўлмас кучлар оқибатида, яъни фавкулотда вазиятлар юз бериши ёки эълон қилиниши натижасида юзага келган бўлса.

5.2. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажара олмайдиган томон зудлик билан энгиб бўлмас кучлар ҳолати, яъни фавкулотда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида иккинчи томонни хабардор қилиши лозим.

5.3. Фавкулотда вазиятлар юз берганда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати фавкулотда вазиятларнинг амал қилиш муддатига тенг бўлган даврга узайтирилади.

### 6. Бошқа шартлар

6.1. Томонларнинг розилиги билан ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ҳамда мазкур ўзгартиришлар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

6.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

### 7. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

“БАНК”

“Депозитга қўювчи”

“Агробанк” АТБ

МФО: 01140, СТИР 207 243 390

х/р \_\_\_\_\_

“Агробанк” АТБ, МАБ

Тел./Факс 150-53-45,

**Бошқарув Раисининг  
биринчи ўринбосари**

Х.Х. XXXXXX \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_, СТИР \_\_\_\_\_

х/р \_\_\_\_\_

ш/х.р. \_\_\_\_\_

Тошкент ш. Марказий Банкнинг ҲККМ

Тел./Факс \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Х.Х. XXXXXX \_\_\_\_\_